

Рўзанинг мустаҳаблари



17:00 / 13.05.2020 2310

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам оғизларини намоз ўқишдан олдин бир неча дона ҳўл хурмо билан очар эдилар. Агар ҳўл хурмо бўлмаса, қуруқ хурмо билан, у ҳам бўлмаса, бир неча ҳўплам сув ичар эдилар».

Термизийнинг ривоятида:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қишда хурмо билан, ёзда сув билан оғиз очар эдилар», дейилган.

Шарҳ: Бу ривоятларда ҳам нима билан оғиз очиш яхши эканлиги ҳақида сўз кетмоқда. Хурмо билан сув бу борада асосий нарсалар эканлиги таъкидланмоқда.

Рўзанинг мустаҳаблари ҳақидаги барча далилларни диққат билан ўрганиб чиққан Ҳанафий уламолар қуйидаги амалларни рўзанинг мустаҳаблари сифатида қайд этганлар:

1. Бирор нарса билан, бир қултум сув билан бўлса ҳам саҳарлик қилиш. Саҳарликни кечанинг охиригача суриш.
2. Қуёш ботиши билан тезда, Шом намозини ўқишдан олдин оғизни очиш. Оғизни ширин ва ҳўл нарса билан очиш афзал.

3. Оғизни очишда ривоят қилинган лафзлар ила дуо қилиш.
4. Рўздорларга ифтор қилиб бериш.
5. Жунублик, ҳайз ва нифосдан қилинадиган ғуслни кечга қўймай, тонг отишидан олдин қилиб олиш.
6. Тил ва тана аъзоларини ортиқча гап-сўз ва амаллардан тийиш.
7. Рўзани бузмайдиган, аммо ҳузурбахш бўлган нарсаларни тарк қилиш.
8. Оила аъзолари ва қариндошларга кенгчилик қилиш. Бева-бечора ва камбағалларга хайри эҳсонни кўпайтириш.
9. Қуръон қироати, илм суҳбатлари, зикр ва саловотларни кўпайтириш.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан